

ТИЛДА БАЗУС ВА УСТҚУРМА

Ўзбек тилининг ўзлашган қатлами

З.М.Қодиров

АДУ катта ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454729>

Аннотация: Уибу мақолада ўзбек тили лексикасининг ўз ҳамда ўзлашган қатлами ҳақида муроҳаза юритилади. Асосан, ўзбек тилига арабча форс-тожикча, рус-байналминал ҳамда бошқа тиллардан ўзлашма сўзлар қатлами тўлиқ ёритилади.

Калим сўзлар: ўз қатлам, ўзлашган қатлам, ҳукмрон тил, арабча ўзлашмалар, форс-тожикча ўзлашмалар, рус-байналминал ўзлашмалар.

Annotation: This article discusses the Uzbek language's oriented layer in this article. The Uzbek language is fully covered by an Arabic Persian, Russian Fatninalins and other languages.

Keywords: His layer, the mastered layer, ruled language, ruling divisions, Persian-Tajik materials, Russian-fladial issues.

КИРИШ

Ҳар қандай тилнинг энг марказий, энг қадимий, энг навқирон ва энг рационал бирлиги сўз ҳисобланади. Муайян бир тилдаги мавжуд сўзларнинг йигиндиси шу тилнинг луғат фондини ёки шу тилнинг лексикасини ташкил этади. Дунёда ҳеч бир тил йўқки, у ўзи мустақил, “автоном” яшаса ва ривожланса, бугунги кунда дунёда етти мингга яқин тил мавжуд бўлиб, улар ўзаро бир бирлари билан мунтазам алоқада бўлади. Бундай алоқа, биринчи навбатда, тилларнинг луғат фондиди, лексиконида кўринади. Дунёнинг қай бир нуқтасида илм-фан, санъат, техника ва бошқа соҳаларда кашфиёт, янгилик содир бўлса, у шу миллат тилида ўз аксини топади. Бошқа тилларда шу тушунчанинг муқобил варианти топилади, агар муқобил варианти бўлмаса, кашфиёт яратилган тилдаги вариант, сўз, ном қабул қилинади. Кашфиёт-янгиликнинг муқобил варианти бир тилда бўлиши мумкин, бошқа тилда бўлмаслиги мумкин. Муқобил варианти бор тиллар ўз вариантини, муқобил варианти йўқ тиллар ўзга, асл вариантни қабул қилишга мажбур бўладилар. Алжабр, Алкухл(алкогол), макруҳ, компьютер, поезд, велосипед, агроном, фермер, кластер...

Шу аснога қўра тилдаги мавжуд сўзлар иккига – ўз(туб) сўзларга ва ўзлашма(олинма) сўзларга бўлинади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўз сўзлар

Ўз сўзлар муайян миллат ижтимоий келиб чиқиш тарихи, ижтимоий турмуш тарзи, ижтимоий маънавий маданияти, географик жойлашуви билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ҳисобланади. Ҳар бир тилда бир бўғиндан ёки бир ўзакдан ташкил топган сўзлар шу тилнинг туб сўзлари ҳисобланади. Турколог олим А.Н.Баровков таъбири билан айтганда, ўзбек тилидаги соф туйкий сўзлар, дастлаб, бир бўғинли сўзлар(ол, бер, қўй, тур, кет, қоч, ёз...) бўлган, кейинчалик, икки бўғинли (*ана, мана, ўша, оппоқ, қизил, икки, саксон*), уч бўғинли(*ёлланма, оғмачи*) ва бошқалар. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девони лугатит турк” асарини тушишда ҳам дастлаб бир бўғинли, сўнг икки бўғинли, сўнгра уч бўғинли ва шу тартибда давом эттириши ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Ҳар қандай тилнинг ўз қатлам сўзлари дейилганда, шу тилнинг қадимий товушлари ўз қатлам сўзлари таркибидаги иштироқи қатъий таъминланган бўлади, бу товушларнинг иштироқи шу тилнинг бўғин тизими билан қатъийлашади. Ўзбек тилининг қадимий товушлари дейилганда, ундош товушларнингжарангли жарангизлик белгиси назарда

тутилади ва диалектал(шева) варианлари билан исботланади. Бўғин тизим унли ва унли-ундош муносабати асосига қурилади. Ўзбек тилининг бўғин тизими 1) унли(V - вокализм), 2)ундош(C - консонант)-унли(V), 3)унли(V)-ундош(C), 4) ундош(C)-унли(V)-ундош(C) тарзда намоён бўлади.

- 1) о-на, о-та, о-ла, а-на, а-ка, у-ка, у-ни (V – CV)
- 2) ма-на, са-на, қа-ни, шу-ми, қа-ра (CV - CV)
- 3) ол-ма, уш-ла, ин-да, ўз-га, эр-та (CV - CV)
- 4) бор, бер, бур, тур, қоч, кет (CVC)

Ҳар қандай тилдаги туб сўзлар шу тил сўз туркумларининг барчасини, мустақил сўз туркумлари – от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, ёрдамчи сўз туркумлари – кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов ва тақлид, модал сўзларнинг асосини ташкил қиласди.

Тилларнинг ўзаро алоқалари миллат ва давлатларнинг ўзаро қўшничилик, ҳамкорлик, иқтисодий, маънавий-маданий, сиёсий мафкуравий, адабиёт-санъат, фантехника, диний алоқалари билингвистик факторларга айланади. Сўз ўзлаштиришда ўзга тилдаги сўзнинг ўз тилдаги муқобил варианти топилади, ўз тил муқобил варианти топилмаган тақдирда ўзга тил варианти қабул қилинади. Сўз ўзлаштириш икки хил, сўз айнан қабул қилинади, ёки сўз маъноси таржима, калька қилинади. *Ручка – ручка, перо – перо, компьютер – компьютер, стол – стол...*

Спутник – ўйлдош, гласный – унли, согласный – ундош, одноклассник – синфдош, однополчан – қуролдош, сослуживший – хизматдош...

Муайян бир тилдаги сўзлар қадамийлик даражасига кўра қайси тилдан ўзлашгани ёки қайси тилга мансублигини мушкул бўлиб қолади, бунда мазкур сўзнинг этимологияси илмий хақиқатдан узилган бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги қадимий жой номлари Хоразм, Бухоро, Варахша, қадимий асбоб-ускуна, хунар, соҳага тааллуқли сўз ва номларнинг илмий этимологиясини аниқлаш анча мушкул.

Ўзлашган қатлам

Дунё тилшунослиги тажрибасидан шу маълумки, муайян бир тилда (ривожланган тилда, қалоқ тилда эмас) мавжуд сўзларнинг йигиндиси юз фоиз (100 %)деб олинса, шу тил мансуб туб сўзларнинг мансублик даражаси йигирма беш фоиз(25%)дан ошмайди, бу шу тилнинг қалоқлик даражасини эмас, балки ривожланганлик даражасини кўрсатади.

Давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маънавий ва бошқа алоқалар натижасида давлатлар ўзаро алоқага киришар экан, тиллар ҳам ўзаро алоқага киришади ва натижада тиллар бир бирларидан сўз ўзлаштира бошлайди. Тилларнинг ўзаро сўз ўзлаштириши икки хил бўлади. Икки тил ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиши мумкин ёки бир тил ҳукмрон, иккинчи тил тобе бўлиши мумкин. Масалан, Грек – Рим империясининг бошқа давлатларни босиб олиши натижасида грек ва юонон тиллари шу давлат тилларига нисбатан ҳукмрон тилга айланди, Ислом давлати араб тилини мусулмон мамлакатлар тилларига нисбатан, Форсийлар давлати форс тилини туркий тилларга нисбатан, Олтин Ўрда хонлиги турк тилини рус тилига нисбатан, Буюк Британия инглиз тилини ўзи мустамлака қилган давлат тилларига нисбатан, ҳарбий ва расмий сўзлар кириб келади ва расмий услуб ишғол қилинади. *Армия, рота, генерал, карабин, автомат, тюрма,nota, приказ, гимн, конституция, расмий иш қоғозлари ҳукмрон тилда ёзила бошланади, рапорт, акт, протоколь, отчет, кейин илмий услуб – фонема, лексема, морфема, синтаксис, аффикс, грамматика, предикат, субъект, сўнгра адабий услуб, бадиий асарлар ҳукмрон тилда ёзила бошланади, провард натижада оғзаки-сўзлашув услуби ишғол қилинади.*

Икки тил ўзаро тенг ҳуқуқли бўлади, бунда у ёки бу мамлакатда қилинган кашфиёт, янгилик, ихтиро, янгиланиш шу мамлакат, миллат вакили тилида аталади, ўзлаштираётган тил ўзида шу сўзниг муқобили бўлса, муқобили билан қабул қиласди, агар бўлмаса, ўша миллат сўзини қабул қиласди, поезд, велосипед, телевизор, компьютер, туютер, композитор, стакан, банка, светафор, ёки учинчи миллат тили сўзини дублет(<франц. Doublet < double – иккилик) сўз сифатида қабул қиласди, студент (немисча) – талаба (арабча), университет (юонча) – дорулфунун (арабча), республика (грекча) – жумхурият (арабча), стонок (русча) – дастгоҳ(форсча), атеист (юонча) – даҳрий (арабча). Бир миллат сўzlари иккинчи миллатга ўтиб, иккинчи миллатдан учинчи миллатга ўзлаштирилиши мумкин. Алкоголь (аль кухл - арабча), алгебра (ал жабр - арабча), алгоритм каби арабча сўzlар, январь, февраль каби лотинча, ой номлари ёки бошқа-бошқа илмий грекча, лотинча ва яна бошқа тил атамалар ўзбек тилига иккинчи тил – рус тилидан ўзлаштирилган.

Тилларнинг генеологик таснифига кўра бир тил оиласига ёки бир тил гурухига мансуб тилларнинг ўзаро сўз ўзлаштириш даражаси катта аҳамият касб этмайди, чунки келиб чиқиши бир тилларни лексик фарқланиши жуда оз фоизни ташкил қиласди, бу ҳолат фонетик жараёнлар билан, полисемик жараёнлар билан, синонимик жараёнлар билан, грамматикализация, лексикализация ҳодисалари билан изоҳланиши мумкин. Тўқсон икки бўғинга ажрайдиган туркий қавм тилларининг географияси – шимолий-ғарбий Хитойдан шарқий – шимолий Европагача бўлган худудни ташкил қиласди. Бу тиллар ўз оиласига мансуб қардош тиллар билан алоқа қилиш билан бирга бошқа оиласига мансуб ноқариндош тиллар билан ҳам, юқорида айтилган сабабларга биноан, алоқа қилиши тақазо қилинади. Жумладан, ўзбек тили ҳам қадимда ва ҳозирда ҳам кўплаб ноқариндош тиллар билан алоқада бўлган ва натижада у тиллардан ўзбек тилига жуда кўплаб турли соҳаларга мансуб сўzlар ўзлаштирилган. Ҳозирги кунда ўзбек тилида мавжуд ўзлашган қатлам сўzlарини тўртта қатламга ажратиш мумкин.

- 1.Арабча ўзлашма қатлам.
- 2.Форс-тожикча ўзлашма қатлам.
- 3.Рус-байналминал ўзлашма қатлам.
- 4.Бошқа тиллардан ўзлашма қатлам.

Арабча ўзлашма қатлам.

1.Таркибида арабча “айн”(ъ) товуши бўлади. *Маъно, раъно, аъло, даъво, меъёр, неъмат, меъда, меъмор, машъал, маълум, маъдан, маърака, маъруза. Маърифат, маъсум, маъшуқ, маъюс, журъат, истеъдод, исеъфо, ваъда, ваъз*

2.Таркибида арабча юмшоқ “хе”(х) товуши бўлади. Эҳтимол, эҳтирос, ҳосил, мавҳум, мажхул, маддоҳ, маҳрум, маҳфий, моҳият, малҳам, марҳамат, марҳум, маслаҳат меҳнат, меҳроб, маҳалла, маҳал, маҳбус, маҳбуб, маҳзун, маҳкам, истеҳз,

3.Таркибида арабча “му” унсури бўлади. Муттасил, мукаррам, мукаммал, музокара, музффар, музассам, мужсал, мудҳии, мудом, мударрис, муддат, муддао, мувозанат, муваффақият, муваққат, муваффақ, мувофиқ, муборак, муаттар, муассаса, муболага, муаллақ, муаммо, муайян, муалиф, муаллим, муборак, мубтало, музокара, мулк, мулла. Мулозамат, мулойим, мулозим, мулокот, мулоҳаза, мумиё, мумкин, мумтоз, мунаввар, мунажжис, мунис, мунакқид, мундарижса, мунозара, муносабат, муносиб, мунтазам, мунтазир, муовин, мураббий, муомала, муолажа, мураббо, мураккаб, мурид, мурод, муроса, муруват, мусаввир, мусаффо, мусибат, мусиқа, мусобақа, муслим, мусофири,

мустамлака, мустабид, мустасно, мустақил, мустаҳкам, мутаносиб муте, мутафаккир, мутахассис, мутлақ, муттаҳам, мухлис, мухбир, мушкул, мушоира

4. Таркибида унли товушлар қатор келади: тоат, оила, маош, соат, жамоа, иддаа, итоат, маориф.

5. Таркибида унли ва ундош товушлар жуфт келади: таассуб, таажжуб, тааллук, бадий, манфаат, мудофаа, ғалла, изза, иззат, илло-билло, иффат, миллат, миннат, модда, иддаа,

6. Таркибида -от, -ат, -ят, -ёт унсурлари бўлади: ахборот, мағлубият, маҳорат, жамият, жамоат, жароҳат, жиноят, жаҳолат, жиддият, жиноят, газалёт, ганимат, гаройибот, гафлат, галибият, гурбат, кулфат, ибодат, иборат, ижобат, илтифот, ижодиёт, ижозат, иллат, илоҳиёт, имконият, иноят, инсоният, ислоҳот, исломият, истилоҳот, камолот, орият, вазият,

7. Таркибида лаб-тиш “жим”(Ж) товуши бўлади: жавлон, жавзо, жавоб, жадал, жавоҳир, жадвал, жавҳар, жадид, жазава, жазм, жазо, жалб, жам, жамила, жамол, жамулжам, жазм, жалб, жануб, жараён, жарима, жасур, жаҳд, жаҳл, жин,

8. Диний атамалар: жаннат, жаноза, жаҳаннам, иймон, ифтор, шайтон, фариишта, рўза, рамазон, имон, имом, куфр, масжид, мулла, оят, охират, тафсир, тасбих, тиловат, ҳаол, ҳаром, ақида, ақиқа, барака, тасбех, дуо, мўмин, қазо, тақво, қиёмат, шариат...

9. Таркибида –ий, -вий, -ия унсурлари бўлади: жиддий, жиноий, жузъий, адабий, аҳлоқий, гоявий, гайриқонуний, гарбий, гозий, ибтидоий, ижтимоий, исломия...

10. Адабиётга оид атамалар: аруз, газал, фард, руқн, ҳижса, баён, баёз, байт, мисра, матла, маснавий, мухаммас, қасида, ташбех, радиф, саира. тазкира, назм, қоғия, мунаққид, шоир, шеър, адаб, таҳаллус, рубоий...

11. Мактаб, маориф ва маърифатга оид сўз, истилоҳ, атама ва терминлар: мураббий, таълим, интизом, талаб, таҳсил, китоб, дарс, савол, аҳлоқ, имтиҳон, қалам, хат, ҳарф, нашир, жайлд, саҳифа, рисола, таржима, баёз, боб...

12. Таркибида –ён, -ан, -ин унсурлари бўлади: галаён, айнан, қонунан, таҳминан, ғамгин,

13. Таркибида “зул” унсури бўлади: зуллисонайн, зулқарнайн, зулхумор, зулқаъда, зулҳижжса, зулфиқор, зулкифл,

13. Осмон жисмларининг номлари: сайдера, зуҳал мириҳ, зуҳро, нужсум, само, қуёши, бурж, муштариј, коинот, фазо, фалак...

14. Ҳижрий-қамарий ой номлари: Мұҳаррам, Сафар, Раббиул аввал, Раббиус соний, Жумадул аввал, Жумадул соний, Ражаб, Шаърон, Рамозон, Шаввон, Зулқаъда, Зулҳижжса...

15. Ҳижрий-шамсий ой номлари номлари: Ҳамал(қўзи), Савр(хўкиз), Жавзо(эгизаклар), Саратон(қисқичбақа), Асад(шер), узро(башоқ), Мезон(тарози), Ақраб(чаён), Қавс(ёй), Жадий(улоқча), Даъв(қавс), Ҳут(балиқ).

16. Таркибида “ма” унсури бўлади: макон, манзил, магриб, машриқ, матъба, маблаг, мавж, мавжуд, мавзе, мавқе, мадраса, мақбара, мажлис, майл, мактаб, мамлакат, манба, манзара, марказ, марра, масдар, масжид, масофа, маъво, маърака, мақом, маҳал, маҳалла, маҳшар...

17. Таркибида “ал” унсури бўлади: алҳамдулилло(ҳ,) алҳол, алҳазар, алқисса, алфоз, аламон, алкимё, алкогол, аломат, алмисол, алоқа, алоҳал, алоҳида, алфоз, алҳол, алҳосил, алазҳар...

18.Таркибида “ис” унсури бўлади: *истеъдод, истеъмол, истеъфо, истисно, истироҳат, истилоҳ, истиора, истисқо, истифода, истиқбол, истиғно, истиқомат, истиқлол, истиғфор, истиқомат, истиҳола...*

19.Таркибида “Абу” унсури бўлади: *Абу Райҳон, Абу Али, Абу Ҳанифа, Абу Довуд...*

20.Аллоҳнинг тўқсун тўққиз исми(АЛ-АСМО ал-ҲУСНО) арабча бўлади.

21.Аллоҳнинг Пайғамбарларининг исмлари арабча бўлади.

21. Инсонларга қўйилган баъзи исмлар арабча бўлади:*Али, Анвар, Аҳмад, Билол, Мансур, Мутаваккил, Маъруф, Аброр, Умар, Илҳом, Муслим, Ҳанифа, Ҳошим, Ҳасан, Ҳидят, Саид, Фариド,*

22.Илмий атамалар арабча бўлади. Адабиёт, тарих, фалсафа, мантиқ, математика, геометрия, астрономия, табобат, тилшунослик ва бошқа илм ва фан соҳаларига оид атамалар: *илм, мақола, мисол, масала, таъриф, манфий, мусбат, каср, мажхул, имло, табииёт, тиббиёт, нуқта, хандаса, риёзат, устурлоб, муҳаррир, маҳраж, феъл, асос, таҳлил, услуб, тасниф, жадвал...*

Форс-тожикча ўзлашган қатлам

1.Таркибида форсча кенг “О” унлиси бўлади: *омад, пешона, оҳанг, осмон, обдаста, обжувоз, обинон, обод, обрў(й), овоз, овора, озод, ойна, омбур, омиҳта, ораста, орзу, ором, осойишта, вайрон, армуғон, армон, гадо, оҳак, оҳиста, оҳу...*

2.Таркибида лаб-тиш “В” товуши бўлади: *водариг, вобаста, воя, гавҳар, гаврон, гаврапуши...*

3.Таркибида “гул” асосли қўшма сўзлар: *гуланном, гулбарг, гулбадан, гулбанд, гулбог, гулгун, гулдон, гулдор, гулдаста, гулдўз, гулкор, гулисумбул, гулёр, гулзор, гулистон, гулкоса, гулнора, гулоб, гулжабин, гулмих, гулмоҳ, гултож, гулисанпар, гулхан, гулишан, гулчин, гулхона, гулишода, гулқанд...*

4.Таркибида қаттиқ “Х” товуши бўлади: *пахта, тахта, гўлаҳ, гўсчўр, гўрсўхта, пухта, соҳта, сўхта,...*

5.Таркибида “бад” асосли сўзлар: *бадбаҳт, бадбўй, бадбашира, бадбин, бадбуруши, баджашл, бадгир, бадгумон, бадзот, бадзабон, бадгўй, бадкарда, бадкир, бадкор, баднафс, бадмаст, бадният, бадном, баднома, баднусха, бадрашк, бадранг, бадсурат, бадтарин, бадхўр, бадқавоқ...*

6.Таркибида “бар”унсури бўлади: *бардош, бардавом, бардор, барзанги, бардам, бардаст, барпо, бартараф, барқарор, барҳаёт, барҳаво, барҳам, барҳақ...*

7.Таркибида изофа “И” ёки изофанинг қисқарган шаклида бўлади: *ойнаи жаҳон, гулираъно, биродари азиз, гули беор, балоигардаон, бало-баттар, балои оғат, балои қазо, баҳтиёр, баҳти қаро...*

8.Сўзнинг ўртасида ёки охирида ундошлар қатор қелади: *банда, бандак, бандар(гоҳ), дўст, гўшт, қанд, ранг, барг, банд, баланд, кент, паст, мард...*

9.Таркибида лаб-тиш “Ж” товуши бўлади: *аждар, мужда, гижда, гижбанг, мужгон, бож, жола...*

10.Чалғу асбоб номлари: *дутор, рубоб, тор, доира, чанг, сето, най, карнай, сурнай, қўшинай, ногара, гусногара...*

11.Форс-тожикча мучал номлари: *муши (сичқон), бақар(сигир), фаланг(йўлбарс), ҳаргуши(қуён), наҳанг(балиқ), мор(илон), асп(ом), гўсфанд(қўй), ҳамдуна(маймун), мурғ(төвук), сак(ит), хук(тўнгиз)...*

12.Таркибида лаб –тиш “Ф” ундоши бўлади: *фаранг, фарёд, фарзанд, фарзин, фарзона, фаришта, фармон, фаровон, фаромуш, фарфор, фарсанг, фасона, фириб, форс, фош, фусун...*

13.Таркибида қаттиқ “Х” товуши бўлади: *халқоб, хам, хамак, хампа, ханда, харид, хас, хашак, хира, хирмон, хиром, хожса, хўжса, хок, хом, хомуш, хомтама, хона, хонанда, хор, хоҳии, худбин, худо, худди, хумкалла, хуноб,*

хурмо, хурсанд, хуррам, хуришид, хуш, хўп, хўранда, хўроз...

14.Ҳафта номлари форсча бўлади:

15.”Як-”унсури била бошланувчи сўзлар форсча бўлади: *якка, якандоз, якбора, якдил, якдона, яккахон, яккачўп, яккаш, яккама-якка, яккам-дукам, якка-ярим, яккамохов, яктан, якто, якруя, яксон, яктак, якишанба, якқалам...*

16.”Об” унсури билан бошланувчи сўзлар форсча бўлади: об, обаки, обакидандон, обгардон, обдаста, обдор, обдўз, обжўш, обжувоз, обидийда, обканд, обкаш, обинон, обиравон, ободон, обод, об-оташ, обраха, обрез, обпартов, обрў(й), об-тоб, обтова, обхудой...

17.Ўзбек тилидаги сўз ясовчи олд (префикс) қўшимчалар форсча бўлади: но-, бе-, бо, бад-, сер-, нав-, хуш-, ҳам-, пур-...

18.Ўзбек тилидаги сўз ясовчи аффиксоидлар форсча бўлади: -нома, -манд, -параст, -монанд, -симон, -хона, -дор, -гўй, -хон, -зода, -гоҳ, -дон, -пўш,-бон, -фуруш, -она, -намо, -шунос, -соз, -хўр,-парвар, -навис, -кор, -дош, -дўз, -вачча, -боп,-боз, -хўр...

19.Дил унсурли сўзлар форсча бўлади: дилоро, дилором, дилдор, дилшод, дилкушод, дилрабо, дилёр, дилбар, дилафгор, дилсўз, дилбанд,

20.Таркибида –бин унсури бўлади: заррабин, калтабин, тамошабин, бадбин, худбин, некбин, фолбин...

Модал сўзлар форсча бўлади: чунки, офарин, шояд, дуруст, расо, ногоҳ, ниҳоят, даркор, зарур, зинҳор..

20. Боғловчилар форсча бўлади: чунки, лекин(лек) , агар, агарчанд, гарчи, балки, магар, чунон, чунончи, токи, зеро, хоҳ, гўё, гоҳ, ҳам, ё, ёки, ёхуд, на...

Русча- байналминал ўзлашган қатлам

Қадимги грек ва лотин тилидан ўзлашган сўз, атама, истилоҳлар Европа халқларининг(француз, немис, инглиз, испан ва бошқ.,) аксарият тилларига ўзашган ёки муқобиллашган, жумладан, славян тиллари – рус тилига ҳам ўзлашган. Бугунги кунда ўзбек тилида истеъмолда бўлган байналминал элементлар – сўз, истилоҳ, атама, терминлар - рус тили орқали тилимизга кириб келган, шунинг учун бундай элементлар келиб чиқиши грекча, лотинч, испанча, французча, немисча ва бошқа тилларга мансублигидан қатъий назар умумлаштириб русча- байналминал ўзлашган қатлам эканлиги эътироф этилди.

1.Таркибида русча “О” унлиси бўлади: *обзор, обед, область, оборот, озон, образ, одеял, океан, оксид, оккупация, окург, опера, операция, оптимист, оптика, оптимал, орбита, оратор, орган, орден, ориентир, оригинал, обход, проход..*

2.Таркибида русча лаб-тиш “В” товуши бўлади: *вагон, вазелин, вакуум, вакцина, валенка, валюта, ванна, ватман, вахта, велосипед, вешалка...*

3.Таркибида лаб-тиш “Ф” ундоши бўлади: *фабрика, фабула, фаза, факультет, фамилия, фанат, фанер, фантазия, фара, фельдшер, фельветон, феодал, ферма, фестиваль, фигура, физика, физкультура, филология, филормния, филиал, фильм, фильтр, флот, фольклор, фонд, фонетика, формат, формула, фото, фундамент...*

4. Таркибида қоришиқ “Ц” ундоши бўлади: *цемент, центнер, центр, цех, цикл, цивилизация, цилиндр, циркуль, цирк, цитрус, цитата, абзац, шприц, кварц...*

5. Таркибида қоришиқ “Ж(дж)” товуши бўлади: *журнал, жирафа, жюри, инженер, пројектор,*

5. Таркибида “-ция” унсури бўлади: *мелиция, полиция, коррупция, селекция, коллекция, вентиляция, коммуникация, кульминация, акция, праќция, оппозиция, авиація, агитация, дискуссия, ирригация, операція, интонация, информација, традиција, редакция, экспедиција...*

6. Таркибида “-тор” унсури бўлади: *вентилятор, директор, ректор, аккумлятор, пројектор, диктатор, генератор, детектор, композитор, сенатор, агитатор, диктатор, авор, инспектор, лектор, диктор, доктор, калькулятор, архитектор, экспедитор...*

7. Сўзниг охирида “трамма” унсури бўлади: *диаграмма, телеграмма, фототелеграмма, эпиграмма, кардиограмма. Рентгенограмма, стенограмма, монорамма, фонограмма, телефонограмма, барограмма, программа, картограмма...*

8. Сўзниг охирида “-тура” унсури бўлади: *кадидатура, комендатура, клавиатура, обревиатура, карикатура, адвакатура, номенклатура, макулатура, арматура, натура, ординатура, аппаратура, квадратура, температура, регистратура, прократура, диктатура, гарнитура, фактура, корректура, архитектура, структура, халтура, аспирантура, доктарантура, физкультура...*

9. Сўзниг охирида “-ив” унсури бўлади: *массив, пассив, агрессив, консерватив, негатив, коммуникатив, норматив, агглютинатив, альтернатив, иллюстратив, факультатив, оператив, актив, коллектив, реактив, мотив, архив*

10. Сўзниг охирида муайян соҳа мутахассиси отини ясовчи “-лог” унсури бўлади: *геолог, идеолог, теолог, архиолог, биолог, физиолог, гниколог, лексиколог, филолог, фармоколог, этиолог, энтомолог, сейсмолог, рентгенолог, социолог, фонолог, технолог, зоолог, невролог, антрополог, невролог, гидролог, диалектолог, графолог, психолог...*

11. Сўзниг охирида “-(а)ж” унсури бўлади: *багаж, блиндаж, пейзаж, экипаж, дренаж, экипаж, персонаж, гараж, тираж, арбитраж, массаж, шантаж, мантараж, трикотаж, репортаж, стаж...*

12. Сўзниг охирида шахс отини ясовчи “-нт” унсури бўлади: *аспирант, лаборант, агент, регент, интеллигент, декадент, рецензент, валент, имманент, оппонент, патент, ассистент, доцент, музикант, эмигрант, комендант, консультант...*

13. Ҳарбийлик, ҳарбий унвонлар ва ҳарбий саноатга оид сўзлар: *солдат, сержант, офицер, генерал, лейтенант, майор, рота, дивизия, десант, радиост, самолёт, снаряд, автомат, армия, авиация, командир, пистолет, ракета, взвод...*

14. Техника ва транспортга оид сўзлар: *машина, автобус, поезд, самолёт, карабль, катер, велосипед, лифт, поршн, вал, руль, балон, камера, педаль, кузов, борт, самосвал, камаз, каробка, шатун,*

15. Таркибида қаттиқ ундошни ифодаловчи “Ь” белгиси бўлади: *объект, субъект, подъём, объезд, разъезд, подъезд съезд..*

16. Таркибида юмшоқ ундошни ифодаловчи “Ь” белгиси бўлади: *князь, фестиваль, педаль, деталь, госпиталь, спираль, кабель, мебель, дизель, роль, пароль, фанарь, печать, пальто, фильтр,*

17. Ой номлари: январь, февраль, март...

- 18.Кино, тетр, музей, санъатга оид атамалар: афиша, кадр, картина...
- 19.Медицинага оид атамалар: доктор, врач, хирург, операция, клиника, укол, ревматизм, аппарат, грипп, вакцина, наркоз, инсульт, волидол...
20. Илм-фан – химия, физика, математика, астрономия, география, тилшунослик, логика...га оид атамалар: элемент, хлор, вектор, икс, квадрат, конус, глюкоза, менерал, кварц, карта, компас,
- 21.Косметика ва пардоз андозга оид атамалар: вазелин, крем, одекалон, памада, маникюр...
- 22.Озиқ-овқат маҳсулотлари номлари: колбаса, консерва, сосиска, компот, кекс, маргарин, шоколад, винегред, салат, кофе, икра, квас, бутерброт, конфет, бифштекс...
- 23.Ўрин-жой, маконга оид атамалар: вокзал, дача, лагерь, вестибюль, клуб, зал, аудитория, ипподром, кабинет, инкубатор...
- 24.Ўлчов-миқдорга оид атамалар: гектар, грамм, кило, метр, минут, интервал, балл...
- 25.Курилиш материалларига оид атамалар: цемент, бетон, веранда, квартира, замазка, каркас, лак, арматура, алебастр...
- 26.Сўзнинг бошида пр-унсури бўлади: протест, процент, прораб, пропорция, прожектор, прогул, прогноз, практикан...

Мўғилча ўзлашган қатлам

Мўғилчадан ўзлашган сўзлар эски қатламга мансуб бўлиб, ҳозирда истеъмол доираси чегараланган қатлам ҳисобланиб архаиклашган ва бу қатлам ўзбек тилида жуда оз сўзларни ташкил қиласди. Булар: 1) қадимдаги ҳарбий атама ва истелоҳлар бўлиб, таркибида -ул, -вул унсури бўлади.

Хиравул (олдинда борувчи қисм), чингдавул (асосий кучлардан кейинда борувчи қисм), янкавул (сув ташувчи), сўзавул (ҳарбий бошлиқ ёрдамчиси), патавул (қалъа соқчиси, жангдовул (соқчи, қўриқчи), жигавул (бошига жига таққан ҳарбий), қаравул (соқчи), ясавул (бошлиқ, сардор), шигавул (элчини кузатиб борувчи), дакавул (хизматкор, кузатувчи), бакавул (дастурхончи), тархон (темирчи)...

Чорвадорликка оид атама ва истелоҳлар: тайлок (бўталок), бурундук, арғимак, бука, қурут, ғунажин, саман, тарлон, қулун, жувона...

ХУЛОСА

Тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги, биринчи планда, лексик сатҳда, сўз ўзлаштиришда амалга оширилади, фонетик, морфологик, синтактик сатҳлар эса кейинги планда амалга оширилади ва бу ҳодисалар билингвистик ҳодисалар деб юритилади, билингвистик ҳодисалар билингвистик факторларга асосланади.

Адабиётлар:

1. Ғуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. – Тошкент: Ўздавнашр, 1953.
2. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.
3. Ғуломов А. ва бошқ. Ўзбек тили дарслиги. 5-6-синфлар учун. – Тошкент: Ўқитувчи 1982.
4. Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Докторлик диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2015.
5. Худойберганова Д. Матннинг мазмуний таркибида метафоралар.// Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, №3.